

## ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ВА НОДАВЛАТ-НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

**Таштемиров Анвар Алиқулович**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Маъмурий ҳуқуқ кафедраси  
доценти. E-mail: anvartoshtemirov05031979@gmail.com.*

**Рахимов Тохиржон Маткарим ўғли**

*ИИВ Академияси 2-ўқув курси 216 гуруҳ курсанти.*

**Аннотация:** *Мақолада жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда Ички ишлар органлари, хусусан профилактика хизматининг ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги ташкил этиш тушунчаси ва уни амалга оширишнинг самарадорлигига эришиш жиҳатлари баён этилган. Шу билан бирга ушбу соҳада эришилган ютуқлар билан бирга соҳада учраётган айрим муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чора тадбирларга тўхталиб ўтилган.*

**Таянч сўзлар:** *Ички ишлар органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, жамоат хавфсизлиги, профилактика инспектори ёрдамчиси, фидокор ёшлар жамоатчилиги тузилмаси, ҳамкорлик, ҳуқуқий асос.*

Жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий-тартибот фуқароларнинг қонуний хатти-ҳаракати билан барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг қонунларга риоя қилишлари улардан тўғри фойдаланишлари билан ўрнатилади. Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш эса, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат куриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларданқўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шартини ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ички ишлар органлари вазифаларини амалга оширишнинг муҳимлиги ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида янада ошади.

Жамоат бирлашмалари ўз таркиби, мақсад ва вазифалари, фаолият шакллари ва иш услублари билан бир-биридан фарқ қилади.

Лекин уларнинг ҳаммасига хос бўлган белгилар мавжуд. Бу жамоат бирлашмалари ўз низомларида кўрсатилган қоидаларга мувофиқ жамиятни бошқаришда ҳар хил вазифаларни ҳал этишда фаол катнашади. Улар ўз аъзоларининг ихтиёрийлиги, тенг ҳуқуқлилиги, ўзини-ўзи бошқариш, қонунийлик, инсонпарварлик ғояларига содиқлик, ошкоралик асосида тузилади ва фаолият кўрсатади.

Жамиятда фуқароларнинг тинчлигини сақлаш ва уларнинг осойиштиликни таъминлашда Ички ишлар органлари билан амалга ошириладиган асосий ҳамкорлик бу - жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузиладиган нодавлат нотижорат ташкилотлари билан амалга ошириладиган ҳамкорликдир.

Нодавлат нотижорат ташкилоти - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Жамоат хавфсизлиги – бу шахс, жамият ва давлатнинг жиноятчилик, бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар, фавқулодда ҳолатлар оқибатлари, ижтимоий низолар, табиий офатлар, эпидемия, эпизоотия, йирик ҳалокатлар, авариялар ва ёнғинлардан ҳимояланганлиги ҳолати ҳисобланади. Жамоат тартибини сақлаш ўз навбатида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади ва жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини самарали таъминлашнинг кафолати бўлади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва ушбу йўналишда ўзаро мақсадли ҳамкорликни ташкил этишда жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда жамоатчилик тузилмалари иштирокининг самараси пастлигида, ҳуқуқбузарликларнинг, биринчи навбатда, ижтимоий-маиший тусдаги жиноятларнинг олдини олиш, уларга чек қўйиш, содир этилганларини фож этишда фуқаролик позициясининг сустигида намоён бўлаётган қатор камчиликлар мавжуд.

Мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида ўрнатилган механизмларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда жамоатчилик тузилмаларининг куч ва воситаларини мувофиқлаштирган ҳолда сафарбар қилиш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасида уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида:

Профилактика инспекторлари ёрдамчилари лавозимлари, қоида тариқасида, бириктирилган ҳудудда доимий яшовчи ҳамда мулоқотга

киришувчан ва ташкилотчилик қобилиятига эга ёшлар орасидан жамланиши белгилаб қўйилди;

профилактика инспекторларининг ёрдамчилари профилактика (катта) инспекторларининг тавсиясига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланиши ва лавозимидан озод этилиши белгиланди;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга муносиб ҳисса қўшган профилактика инспекторларининг ёрдамчиларига Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти бошлиғининг тавсиясига асосан ички ишлар органларининг олий таълим муассасаларига квота асосида ўқишга кириш ҳуқуқи берилиши кўрсатиб ўтилди;

Ҳар бир маҳаллада «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги Тошкент шаҳрининг ижобий тажрибаси республиканинг барча ҳудудларига татбиқ этилиши кўрсатиб ўтилди.

Профилактика (катта) инспекторларига «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари фаолиятини кунлик назорат қилиш ва мувофиқлаштириш вазифаси юкланди.

Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан биргаликда бир ой муддатда республиканинг ҳар бир ҳудудида Тошкент шаҳри тажрибаси асосида «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин;

Фуқаролар тинчлиги, осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари билан нодавлат-нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик қўйидаги йўналишларда олиб борилмоқда:

- маъмурий ҳудудда ижтимоий-сиёсий, маънавий-рухий ва криминоген вазиятни доимий равишда таҳлил қилиб бориш;

- маънавий-маърифий, ҳуқуқий тарғибот, шунингдек, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ишларини амалга ошириш;

- фуқароларга ижтимоий –ҳуқуқий ва иш билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш;

- жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашчора-тадбирларини амалга ошириш;

- маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, ваколат доирасида кўриб чиқиш;

- фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш;

- ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш;

- оилаларда, маҳаллаларда, ташкилот, корхона ва муассасаларда, меҳнат жамоаларида ижтимоий-руҳий муҳитни соғломлаштириш;
- криминоген омиллар таъсирини йўқотиш ва кучсизлантириш;
- ҳуқуқбузарликларнисабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш.

Ички ишлар органлари профилактика инспекторлари томонидан нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан амалга оширилаётган ҳамкорлик жараёни қуйидаги шаклларда амалга оширилмоқда:

- фуқаролар осойишталиги, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид таҳлилий ишларни биргаликда амалга ошириш;
- фуқаролар осойишталиги, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид ўзаро ахборот алмашиш;
- фуқаролар осойишталиги, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид тадбирлар бўйича биргаликда йўриқномалар ўтказиш;
- содир этилган жиноятларни очиш, бедарак йўқолган ва қидирувдаги жиноятчиларни аниқлаш бўйича тадбирларни биргаликда амалга ошириш;
- фуқаролар осойишталиги, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир ўзаро илғор тажрибаларни алмашиш.

Шунингдек, Ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлиги жараёнида қуйидаги йўналишларда ахборот алмашинуви амалга оширилади:

- содир этилган ҳуқуқбузарлик фактлари ҳақида;
- одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид соладиган оилавий-маиший низолар тўғрисида ва оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида;
- таълим олувчи шахс ғайри ижтимоий хулқ-атворга ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги ҳақида;
- ижтимоий аҳамиятли касалликлар ва атрофдагилар учун хавф солувчи бошқа касалликлар тарқалганлиги ҳақида;
- баданига шикаст етган ёхуд беҳуш ҳолатда бўлган шахслар келиб тушганлиги ёки мурожаат этганлиги ҳақида;
- одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид соладиган оилавий-маиший низолар тўғрисида ва оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида;
- вояга етмаган шахс ғайри ижтимоий хулқ-атворга ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги ҳақида;
- ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида хабар қилиши шарт;
- ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилалар, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этган вояга етмаганлар тўғрисида.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасида ҳамкорликнинг амалий шакли ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасини амалга оширишда нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга таъсир кўрсатиш, ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг виктимлигини камайтириш ҳамда ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқий ҳимояси ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлардан жабрланишни юзага келтирувчи омиллар, сабаб-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ёнма-ён, елкама-елка туриб, бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракатлар яқдиллиги асосида қоғозда эмас, балки амалда ҳаракат қилишини назарда тутати.

Хулоса ўринда айтиш мумкинки, юқоридаги вазифалар ва муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, бир томондан, юртимизда фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашга, иккинчи томондан, нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ва ички ишлар органларининг ўзаро ҳамкорлиги асосида мамлакатда ҳуқуқий тарғибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли таъминлаш кафолатларини вужудга келтиришига хизмат қилади.

### ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 майдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрел кунги “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишга айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида”ги қонуни
3. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш самарадорлигига эришишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 35-40.
4. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.
5. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.

6. Таштемиров А. А. Йулларда харакатланишни тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва бу борада технологиянинг аҳамияти // *siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali*. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.
7. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги // *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.
8. Таштемиров А., Курчибоев Ж. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг профилактикасида таълим ва тарбиянинг ўрни ва аҳамияти // *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*. – 2023. – Т. 3. – №. 12. – С. 130-135.
9. Таштемиров А. А. и др. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ички ишлар органларининг ҳамкорлиги // *O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali*. – 2023. – Т. 2. – №. 25. – С. 32-40.
10. Таштемиров А. А. и др. Ҳуқуқбузарлик содир этилишининг сабаблари ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари // *So 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi*. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 454-461.
11. Tashtemirov A., Po'latov A. Ayollar jinoyatchiligining oldini olish chora-tadbirlari // *Инновационные исследования в науке*. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 75-78.
12. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий профилактика объекти сифатида алкоголизм таъсиридаги шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш // *So 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi*. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 552-558.
13. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари // *World of Science*. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.
14. Таштемиров А. А. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни фош этишда тезкор ходимларнинг терговчи ва суриштирувчилар билан ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари // *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 156-164.
15. Таштемиров А. Кибержиноятчилик ва унинг ўзига хос шаклланиш даврлари // *Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования*. – 2023. – Т. 2. – №. Maxsus son. – С. 133-139.
16. Таштемиров А. А. Техник криминалистик экспертиза–ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг асосий омили сифатида // *O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali*. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 12-19.
17. Aliqulovich T. A., Atxam o'g'li M. X. Profilaktika inspektorining ommaviy tadbirlarni o'tkazish jarayonidagi ishtirokining oziga xos xususiyatlari // *O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali*. – 2023. – Т. 2. – №. 24. – С. 230-235.

18. Таштемиров А., Хўжамбердиев А. Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг турлари ва таснифи //Журнал академических исследований нового Узбекистана. – 2024. – Т. 1. – №. 6. – С. 4-12.
19. Таштемиров А., Комилов А. Одам савдоси жиноятига қарши курашишни такомиллаштиришга оид айрим мулоҳазалар //Центральноазиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления. – 2024. – Т. 1. – №. 7. – С. 135-138.
20. Таштемиров А., Юлдошев Х. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ва блогерлар билан ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатлари //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 17. – С. 55-61.
21. Тоштемиров А. Киберфирибгарлик билан боғлиқ жиноятларнинг пайдо булиш ва ривожланиш тарихи //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 11/S. – С. 95-102.
22. Тоштемиров А. А. Некоторые аспекты изучение модели управленческой деятельности в органах внутренних дел. – 2022.
23. Таштемиров А. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятларининг тавсифи ва ўзига хос хусусиятлари //Евразийский журнал технологий и инноваций. – 2024. – Т. 2. – №. Special Issue 6. – С. 25-32.
24. Таштемиров А., Нурматов Н. Айрим хорижий давлатларнинг тезкор қидирув фаолиятида соҳавий ҳамкорликнинг таҳлили //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 190-197.
25. Таштемиров А. А. и др. Психологическая поддержка деятельности инспекторов профилактики в работе с лицами, осужденные к наказанию исправительные работы //International scientific research conference. – 2024. – Т. 3. – №. 28. – С. 97-102.
26. Тоштемиров, А. (2022). История возникновения и развития преступлений, связанных с кибермошенничеством. Общество и инновации, 3(11/S), 95–102. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss11/S-pp95-102>.
27. Мирсалихова Г. Тезкор қидирув фаолиятини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 291-296.
28. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда эҳтиёт чораларини қўллашнинг аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 13. – С. 160-165.
29. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда айрим процессуал тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 141-146.
30. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар ва уни бартараф этиш йўналишлари

//O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – T. 2. – №. 22. – С. 116-123.

31. Мирсалихова Г. А. Ривожланган хорижий давлатларда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятчиликка қарши курашишнинг тартибга солиниши //so 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 1. – С. 5-15.

32. Мирсалихова Г. Ички ишлар органлари тезкор қидирув фаолияти тизимида амалга оширилаётган маъмурий-ҳуқуқий ислохотлар истиқболлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 214-217.

33. Mirsalixova G., Shodiyev S. Voyaga yetmaganlar jinoyatchiligining o 'ziga xos xususiyatlari //Development and innovations in science. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 160-168.

34. Мирсалихова Г. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларга нисбатан белгиланадиган жавобгарликнинг ўзига хос жиҳатлари //Models and methods in modern science. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 78-86.

35. Мирсалихова, Г. (2024). Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишнинг хорижий давлатлардаги илғор тажрибаси. Евразийский журнал технологий и инноваций, 2(Special Issue 6), 112–119. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/ejti/article/view/33102>.

36. Мирсалихова Г. А., Баҳодиров А. А. Ў. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тизимининг ҳуқуқий ва ташкилий аҳамияти //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 8. – С. 104-108.

37. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш йўналишлари //Innovation in the modern education system. – 2024. – Т. 5. – №. 46. – С. 291-300.

38. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган кибержиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифи ва хусусиятлари //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2024. – Т. 3. – №. 35. – С. 38-47.